

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ХОДИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

6 май куни «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг мажлис залда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Аудиторлар палатаси 115 мутахассисга «Сертификатланган амалиётчи бухгалтер (САР)» ва 2 мутахассисга «Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер (СІРА)» сертификатларини топширди. Шу пайтгача республикамизнинг 1096 молия ходими ва бухгалтер таълим олиб, халқаро имтиҳонларни муваффақият билан топширдилар, САР/СІРА сертификатларини олиб, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмасининг ҳақиқий ҳамда фахрий аъзоларига айландилар.

Мамлакатда бизнес режалари, молиявий ҳисоботлар тайёрлаб, халқаро стандартларга мувофиқ компаниялар фаолияти натижаларини иқтисодий таҳлил қила оладиган мутахассисларнинг бўлиши хорижий инвесторларни жалб этиш, молиявий ҳисоботни Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқлаштириш учун зарур. Сир эмаски, улар олинган билимларни амалиётда муваффақиятли қўллаб, ишга жойлашиш бўйича манфаатли таклифлар оладилар, мартабалари ошади, баъзилари эса ўз бизнесини бошлайди.

САР сертификатининг мингинчи соҳиби – «Махсуполимер» ОАЖ бош бухгалтери **Луиза Кулешова** маросимда махсус соврин – Ўзбекистон БАМУ логотипи туширилган футболка ва бокал билан тақдирланди.

Шу куни DiplFR дипломларининг биринчи соҳиблари – БАМУ ташкил этган DiplFR янги халқаро курси (Халқаро молиявий ҳисобот бўйича қасамд қилган сертификатланган бухгалтерлар уюшмасининг русийзабон дастури) битирувчилари тақдирланди. Улар Ўзбекистон БАМУ фахрий аъзолари, СІРА сертификати соҳиблари **Отабек Мусахўжаев** ва **Тамара Будникова**, Ўзбекистон БАМУ ҳақиқий аъзолари, САР сертификати соҳиблари **Татьяна Анисимова** ва **Мухайё Файзиевалар** эди. Уларнинг таъкидлашларича, DiplFR курси улар учун МХХС борасидаги билимларни ошириш нуктаи назаридан гоёта фойдали ва қизиқарли бўлган, САР/СІРА курсларидаги машғулотлар имтиҳонни биринчи киришдаёқ муваффақиятли топшириш учун пухта асос yaratган.

Тақдирлаш маросимида САР/СІРА сертификати эга бўлган мутахассислар фаолият юритаётган барча соҳаларда ўзларини юқори малакали кадрлар сифатида намён этганликлари, молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқлаштиришда, миллий ва халқаро аудит стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда аудит ўтказишда, мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида молиявий менежмент дастакларини қўллашда ёрдам бераётганликлари қайта-қайта таъкидланди.

Бухгалтерлар ва аудиторлар фаолиятининг сифати кўп жиҳатдан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ахборот билан таъминлашга боғлиқдир. «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимининг анжуман иштирокчиларига топширилган дисклари бунда катта ёрдам бериши шубҳасиз.



Суратда: Халқаро бухгалтерлар федерацияси, Евросиё сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар кенгаши ҳамда «Содружество» («Ҳамдўстлик») бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси аъзоси бўлмиш Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмасининг янги ходимлари.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ИТАЛИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТДА

Президентнинг 2009 йил 27 апрелдаги ПК-1106-сон қарори билан (хусусан, Италия Республикаси Турин политехника университетининг таклифига кўра ҳам) Тошкент шаҳрида Турин политехника университети ташкил этилди. Италия Республикаси Университетига қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга мувофиқ автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Университетнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Университет 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб барча даражалардаги мутахассисларни тайёрлашни амалга оширади. Абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Италия университетига белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Университет битирувчиларига Италия Республикаси университетининг белгиланган намунадаги дипломи берилади. Университетга 2009/2010 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгиланган.

ЎЙ ҚУРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

2009 йил 30 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибда ўй-жой қуриш (реконструкция қилиш) ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 127-сон қарори қабул қилинди («*Норма маслаҳатчи*»да чоп этилади). Чунончи, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига якка тартибда ўй-жой қуриш (реконструкция қилиш) ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, тегишли лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш функцияларини юклаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Қурувчилар рухсатномалар олишни, лойиҳаларни ваколатли органларда келишишни мустақил равишда ёки юқорида айтиб ўтилган инспекциялар орқали амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги инспекцияларнинг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

ЎЗ КУЧЕНИ ЙЎҚОТДИ

Монополиздан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 25 апрелда 843-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкни бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартиби ўз кучини йўқотган деб топилди. 2009 йил 5 майдан кучга кирди.

Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 25 апрелда 315-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Битимлар реестри тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб топилди. 2009 йил 5 майдан кучга кирди.

ҲИСОБВАРАҚ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларига очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги янги йўриқнома тасдиқланди («*Норма маслаҳатчи*»да чоп этилади). Шу муносабат билан 2001 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банкларига очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлаш тўғрисида»ги 1080-сон қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган барча ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. 2009 йил 7 майдан кучга кирди.

ТРАКТОРЛАРНИНГ РАҚАМЛАРИ ЎЗГАРАДИ

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 28 апрелда 1949-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Унинг талабларини бажариш мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир. Низомга мувофиқ, бундай машиналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан чиқариш, техник ҳужжатлар ва давлат рақами белгиларини бериш «Давтехназорат» туман ва шаҳар инспекциялари томонидан амалга оширилади. Машина эгалари томонидан машиналар сотиб олинганда ёки қабул қилиб олинганда, шунингдек техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш лозим бўлганда, машинанинг техник ҳолатидан қатъи назар, 10 кун ичида «Давтехназорат» инспекцияларига мурожаат этилиши шарт. 2009 йил 8 майдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 24 апрелдан 1 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 18-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 22 апрелдаги 219-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ «MAVLON» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 10 апрелда берилган 00164-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 22 апрелидан тугатилди.

М.МИРЗАЕВ,
молия вазири ўринбосари.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГА – ТАРТИБ БЎЙИЧА

Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 29 апрелда 1950-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига тегишли синфни муваффақиятли якунлаган, чуқурлаштириб ўқитиш белгиланган ўқув фанларидан муайян қобилиятини кўрсата олган ўқувчилар танлов натижалари асосида Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази томонидан қўшма буйруқ билан белгиланган квота доирасида қабул қилинади. Ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган умумтаълим мактабга жорий ўқув йилида 1-синфни тугатган ўқувчилар 2-синфга ва ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатига жорий ўқув йилида 4-синфни тугатган ўқувчилар 5-синфга танлов асосида қабул қилинадилар. Ҳужжатлар 2-синфлар учун 1 апрелдан 20 майгача, 5-синфлар учун 25 майдан 20 июнгача (шу кун ҳам) қабул қилинади. Синов (фанлардан тест ва психологик тест)дан ўтказиш ва танлаш 2-синфлар учун 5 июндан 20 июнгача, 5-синфлар учун 5 августдан 20 августгача ўтказилади. Тест синовлари 2-синфда 40 дақиқа, 5-синфда 60 дақиқа давом этади. 2009 йил 9 майдан кучга кирди.

ҚОИДАЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Давлат мулк кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 30 апрелда 844-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 1999 йил 1 декабрдаги 844-сон Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га уларни «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонун ва қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартишларга мувофиқлаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. 2009 йил 10 майдан кучга кирди.

УШБУ
СОҒДА

1-бет
Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳлар
\$1 = 1453,85 сўм

2-бет
Кадрлар масаласи
€1 = 1936,09

3-6-бетлар
Янги қонун
ҳужжатлари
£1 = 2172,92 сўм

7-8-бетлар
Реклама
¥10 = 146,23 сўм

www.interpress.uz

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

тел./факс:
(99897) **119-0000**
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайганда бундан нафақат бизнес эгалари, балки оддий ходимлар ҳам азият чекадилар. Иш ҳақини қисқартириш, ходимларни ишдан бўшатиш, иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чиқариш – иш берувчиларнинг меҳнат харажатларини камайтириш чораларидандир. Бироқ тўлиқсиз иш вақти режимини кўпчилик унутиб қўяди. Бу режим харажатларни камайтирибгина қолмай, кадрларни сақлаб қолишга ҳам имкон беради.

ОЗ БЎЛСА ҲАМ ИШЛАГАН ЯХШИ

Кадрларни қисқартириш осон, бироқ иш юришганда улар ўрнига ходим топиш мушкул бўлади. Хуллас, ходимларни дарҳол ишдан бўшатишга шошилманг. Уларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. Бунинг бир нечта усули мавжуд.

КАДРЛАРНИ САҚЛАНГ!

Вариантлардан бири – ходимларни мажбурий таътиллarga чиқариш. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 150-моддасига кўра ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Иш ҳақини камайтириш ҳам мумкин. Бу усулни мақбул усул деб бўлмайди, бироқ бунда меҳнат харажатлари қисқаради, кадрлар ҳам ўз жойида қолади. Меҳнат унумдорлигига келсак, у ўсмаслиги тайин. Бундай усул айрим ходимлар ишдан бўшашини жадаллаштириши истисно этилмайди. Бироқ, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини камайтириш мақсадида янада адекват чоралардан фойдаланиш мумкин, улар амалдаги меҳнат қонунчилигида ҳам назарда тутилган.

Ташкилотда иш режимини вақтинча ўзгартириш – тўлиқсиз иш ҳафтаси ёки тўлиқсиз иш кунини жорий этиш қарори мақбул ечим бўлиши мумкин (МКнинг 119-моддаси). Бундай режим ишга қабул қилишда ҳам, кейинчалик ҳам белгиланиши мумкин, бироқ албатта ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича бўлиши керак. Хусусан, бу ташкилотда ходимларнинг оммавий ишдан бўшатилишига олиб келиши мумкин бўлган меҳнат қилишнинг ташкилий ёки технологик шарт-шароити ўзгаришида қўлланиши мумкин. **Айтайлик, фирма янги ишлаб чиқариш линиясини сотиб олди (технологик ўзгаришлар).** Меҳнат унумдорлиги анча ошди. Илгари иш уч сменада олиб борилган бўлса, энди бунга зарурат йўқолди. **Бошқа мисол: кўшни катта компания янги офисга кўчиб ўтганлиги боис кафе мижозлари камайди, ошпазларнинг иш билан бандлиги иш вақтининг 1/3 қисмини ташкил қилди. Раҳбарият ташкилий ўзгаришлар қилишга мажбур бўлди – 9.00 дан 14.00 гача бўлган иш соатларида ходимлар миқдори икки баравар қисқартирилди. Мазкур ташкилий ўзгаришлар ходимларни бўшатиб олишга олиб келди.**

Тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин бўлган муддат қонунда белгиланмаган. Иш берувчи корхонада мазкур иш режимини фақат бошланғич касаб уюшмаси ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан маслаҳатлашиб ўзгартириши (жорий эти-

ши, бекор қилиши) мумкин.

ОЗГИНАЮ СОЗГИНА

Янги иш режимини дарҳол жорий этиб бўлмайди. Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳамда уларнинг сабаблари ҳақида ходимларни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт (МКнинг 89-моддаси). Бунда касаб уюшмаси ташкилотининг фикрини ҳисобга олиш лозим. Кичик корхоналарда кўпинча у бўлмади ҳам, демак, тўлиқсиз иш вақти режимини жорий этишни келишиб олиш заруратида ҳолат қолмайди.

Тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътили муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади – буни МКнинг 119-моддаси кафолатлайди.

ЯНГИ РЕЖИМНИ ЖОРИЙ ЭТАМИЗ

Одатда жамоа шартномасига бир қатор масалалар бўйича иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин. Буларга иш вақти, дам олиш вақти, таътиллarning муддати киради. Бироқ тўлиқсиз иш вақти режими ходимларнинг аҳолини жамоа шартномаси ва бошқа битимлар билан белгилаб қўйилганига қараганда ёмонлаштирмаслиги керак. Меҳнат кодексининг 5-моддасида ана шундай талаб қайд этилган.

Шу сабабли жамоа шартномасига иш берувчига ушбу модда қоидаларидан фойдаланиш имконини берадиган ўзгаришларни аввалроқ киритиш зарур. Эслатиб ўтамиз, жамоа шартномасини (битимини) тузиш, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чоғида иш берувчи билан касаб уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасида музокара олиб борилади. Уларни юритиш ва жамоа шартномаси ёки қўшимча битим лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг ҳуқуқли асосда зарур ваколатлар берилган вакиллардан иборат комиссия туздилади (МКнинг 31, 32-моддалари).

Меҳнат қонунчилиги иш берувчини қатъий белгиланган муддатларда бўлажак ўзгаришлар тўғрисида ходимни хабардор қилишга мажбурлаши сабабли танишиб чиқиш варақасидан фойдаланган мақбул. У ходимларни хабардор қилиш таомилига риоя қилинганлигини тасдиқлайди. Танишиб чиқиш варақасининг шакли ихтиёрий тузилиши мумкин, бироқ ҳар қандай ҳолда унда имзолари ва лавозимлари кўрсатилган

ҳолда ходимлар рўйхати, танишиб чиқиш санаси бўлиши керак.

Шунингдек куйидаги буйруқлар тайёрланиши лозим: штатлар жадвалига ўзгартишлар киритиш ва барча вакант лавозимларни тугатиш тўғрисида; янги штатлар жадвалини амалга киритиш тўғрисида; тўлиқсиз иш ҳафтасини жорий этиш тўғрисида; тўлиқсиз иш кунини (сменани) жорий этиш тўғрисида; буйруқлар билан танишиб чиқиш варақаси (умумий); имзолашдан бош тортиш тўғрисида далолатнома (якка тартибда, агар ходим ҳужжатни имзолашдан бош тортса); тўлиқсиз иш вақти режими жорий этиш тўғрисида Ички меҳнат тартиби қоидаларига қўшимчалар; ходимнинг ишнинг янги режимда давом эттиришга розилиги/рози эмаслиги тўғрисида билдирувнома (ходимга огоҳлантиришнинг икки ойлик муддати тугашига тахминан икки ҳафта қолганда тақдим этилади, ходим унинг иккинчи қисмини тўлдириши керак).

Тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар пакети Меҳнат кодексининг 89-моддасининг иш берувчининг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи ва унинг ходимни бўлажак ўзгаришлар ҳамда уларнинг сабаблари тўғрисида камида икки ой аввал ёзма шаклда хабардор қилиш мажбурияти хусусидаги талабларига риоя қилиш имконини беради. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходимлар буйруқ билан танишиб чиқиши биланоқ муддат ҳисоблана бошлайди. Икки ой мобайнида корхонада одатдаги иш режими сақланиб қолади. Ушбу даврда ходимлар янги шароитда ишлаш ёки ишдан бўшаш тўғрисида бир қарорга келишлари керак.

Баъзи ходимлар янги режимда ишлашга рози бўлмасликлари эҳтимол. Бунда бир нечта вариант бўлади: рози бўлмаган ходимлар мустақил равишда ишдан бўшаш тўғрисида қарорга келадилар ва ўз хоҳишлари билан ариза ёзадилар ёки шартнома тарафларнинг келишуви бўйича бекор қилинади (ушбу асосга кўра исталган вақтда меҳнат шартномасининг барча турлари бекор қилиниши мумкин, МК 97-моддаси биринчи қисмининг 1-банди). Шунингдек ходим билан иш берувчининг келишуви бўйича огоҳлантириш пул компенсацияси билан алмаштирилиши мумкин, у огоҳлантириш муддати қанча давом этишига мутаносиб бўлади.

Бунда Меҳнат кодексининг 89-моддаси иш берувчига тўлиқсиз иш куни (смена) ва (ёки) тўлиқсиз иш ҳафтаси режимида ишлашни давом эттиришдан бош тортган ходимлар билан меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига мувофиқ бекор қилиш имконини беради. Сўз технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ўзгаришига ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмларининг қисқариши муносабати билан шартномани бекор қилиш тўғрисида борапти. Бу ҳолда ходимларга тегишли кафолатлар ва компенсациялар берилиши керак. Штат қисқариши бўйича норози ходимни юқорида тилга олинган икки ой тугамасидан ишдан бўшатиб бўлмаслигини ҳисобга олинг.

Ушбу даврда қолаётган ходимлар билан тўлиқсиз иш вақти режимини белгилаш тўғрисида меҳнат шартномасига қўшимча битим тайёрлаш лозим. Уни жорий этиш заруратини юзага келтирган ҳолатлар ўзгарган тақдирда улар тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа мувофиқ аввалги иш режимига ўтказилишлари керак.

Мавзуга оид саволлар

МАЖБУРАН ТАЪТИЛГА

? 2008 йил охирида раҳбарият 29 декабрдан 31 декабрга қадар ўз ҳисобидан таътил берилишини сўраб ариза ёзишимни илтимос қилди. Бироқ ташкилотда 2008 йил апрелдан ишлашимга ва таътилни фақат икки ҳафтасидан фойдаланганимга қарамай, уч кунга навбатдаги ҳақ тўланадиган таътил расмийлаштиришга рухсат беришмади. Бу ҳаракатлар қанчалик қонуний? Zero бундай амалиётни кейинчалик ҳам, бироқ бошқа байрамларга нисбатан қўллашлари эҳтимолдан холи эмас.

М.Назаров, сотувлар бўйича менежер. Тошкент ш.

– Хатингиз мазмунидан икки савол туғилади. Иш берувчи таътилни қолган қисмини қисмларга бўлишни таққиллашга ҳақлими? У ходимни ўз ҳисобидан таътилга чиқишга мажбур қилишга ҳақлими?

Биринчи саволга жавоб жамоа (меҳнат) шартномасининг шартларига боғлиқ. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра таътил қисмларга бўлиниши мумкин, уларнинг бир қисми 12 календарь кундан кам бўлмаслиги лозим (МКнинг 146-моддаси). Бунда таътилни қолган қисми берилишига оид махсус қоидалар Меҳнат кодексига қайд этилмаган. Қисқаси, агар ходим ва иш берувчи ушбу масала бўйича келишувга эришган бўлсалар, қолган қисм исталган миқдордаги кунларга бўлиниши мумкин.

Фақат агар бу жамоа (меҳнат) шартномасида назарда тутилган бўлса, иш берувчи ходимга таътилни иккинчи қисмини бўлишни таққиллашга ҳақлидир. Масалан, унинг шартларида белгиланишича, қолган таътил етти календарь кун муддатидаги қисмларга бўлинади. Тегишинча, ходим таътилни қолган қисмидан бир, икки ёки беш кун муддатида фойдалана олмайди.

Агар бундай тартиб қайд этилган бўлмаса, раҳбарият уч кунга, хусусан, 29 декабрдан 31 декабрга қадар навбатдаги ҳақ тўланадиган таътил расмийлаштириши таққиллашга ҳақли эмас. Сизнинг ҳолатингизда раҳбарият иш ҳақи тўлаш харажатларини қисқартиришга, тўғрироғи, уларни «орқага суришга» қарор қилган кўринади, zero кейинчалик сиз барибир навбатдаги таътил расмийлаштириши ёки фойдаланилмаган қисм учун компенсация олиш ҳуқуқига эгасиз. Чунки қонунга кўра (МК 151-моддасининг иккинчи қисми) ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни Меҳнат кодекси 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (ун беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Агар иш берувчи таътилни қисмларга тақсимлашга рози бўлмаса, сиз ўзингиз учун белгиланган вақтда мустақил равишда таътилга чиқа олмасиз. Бундай вазиятларда муроа йўлини излаш керак.

Сизни ўз ҳисобингиздан таътилга чиқишга ташкилот мажбур эта олмайди. Бу меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади.

ҚИСҚАРТИРИЛГАН ВА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ

? Раҳбариятнинг қарорига кўра фирмамизда тўлиқсиз иш вақтини жорий этиш режалаштириляпти. Шу муносабат билан менда савол туғилди: қисқартирилган иш вақти билан тўлиқсиз иш вақти бир нарсамиди?

Р.Аҳмедова, бухгалтер. Ангрэн ш.

– Йўқ, булар турли тушунчалардир. Иш вақтининг нормал муддати мавжуд – у ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас (МКнинг 115-моддаси), шунингдек ходимларнинг турли тоифалари учун иш вақти муддатининг чегараланган меъёрлари (қисқартирилган иш вақти) амал қилади.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат шароитлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан **иш вақтининг қисқартирилган муддати** белгиланади. Бунинг маъноси шуки, ходимларнинг муайян тоифалари белгиланган вақтдан ортиқча ишламасликлари керак.

Чунончи, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун қисқартирилган иш вақти муддати ҳафтасига 24 соатдан; 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги лозим ва ҳоказо. Бундай тартиб Меҳнат кодексининг 242-моддаси билан белгиланган.


Тўлиқсиз иш куни (смена) ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини иш берувчи, масалан, ҳомилдор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор отадан бирининг (ҳомийнинг, васийнинг), шунингдек оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра белгилашга **мажбурдир** (МКнинг 229-моддаси). Ушбу режимларнинг бири меҳнатнинг ташкилий ёки технологик шартлари ўзгариши (ишлаб чиқариш технологиясидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни таркибий қайта ташкил қилиш ва бошқалар) муносабати билан ҳам белгиланиши мумкин.

Агар айрим тоифадаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган бўлса, бу ҳеч ҳам уларнинг иш ҳақи миқдорига таъсир қилмайди (МКнинг 116-моддаси). Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаганда эса ходимнинг меҳнатига ҳақ ушлаган вақтга мутаносиб равишда ёки бажарилган ишлар ҳажмига боғлиқлиқда тўланади (МКнинг 119-моддаси).

РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркаста
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

РЕКЛАМА

ДИҚҚАТ

Меҳнат қонунчилигига оид давлат тилидаги

«Корхоналар ходимлари меҳнати ва ҳуқуқи»

номли янги китоб босиб чиқарилди (қаттиқ ялтироқ муқовали, ҳажми 500 бет)

Муаллиф билан ўқувчи мулоқоти шаклидаги китоб мазмуни оддий ва тушунарли тилда баён этилган. Айни шу сабабли, рус тилидаги ушбу китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан кўринганидек, у нафақат юридик ва кадрлар хизмати мутахассислари, балки оддий ходимлар, улар ваколатли органларнинг аъзолари, шунингдек ҳуқуқни ўрганадиган ўқув муассасалари талабалари учун ҳам фойдали бўлди.

Ушбу китобни харид қилмоқчи бўлганлар куйидагиларга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41-уйдаги «Шарқ Зиеҳори» китоб дўконига (мўлжал – А.Навоий театри), тел.: 233-35-90, 233-58-72, факс 152-67-72, улгурчи бюртмачилар (50 нусха ва ундан ортиқ) учун тел.: 273-80-61, 356-19-90.

Тўлов – исталган шаклда.

УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
- Оз бўлса ҳам ишлаган яхши
- Қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вақти **2-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

- «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:**
- «Тижорат банклари депозитларига аҳоли

- ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «2009 йилда махсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
- «Давлат мулкни ижарага бериш тартиби-

- ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **Идораий-меъорий ҳужжат**
- ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисоби»га акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.
- **3-6-бетлар**
- **7-8-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

– «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ**

– «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТ**

– ЎзР Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

**«ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА
ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА***

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 мартда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2009 йил 28 мартда маъқулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 17-сон, 210-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданин**г **иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терроризмни молиялаштириш — террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмиш»;

2) **4-модданин**г:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилган назорат»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар»;

3) **5-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-модда. Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи»;

4) **6-модда:**

биринчи қисмидаги «қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар»

деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи қисмидаги «пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажбурий назорат» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қоидаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади»;

5) **7-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 23 апрелдаги 81 (4744)-сонидан эълон қилинган.

тегишли хужжатлар асосида мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

таъсис хужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган мижозни назорат қилувчи шахсни идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишни»;

6) **9-модданинг тўртинчи — олтинчи хатбошилари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига кўра асосли деб топилган бўлса, икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар йўллайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўрайди ва бепул олади»;

7) **12 — 15-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари; қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари; биржа аъзолари;

суғурталовчилар ва суғурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

13-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилди.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

14-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, алоҳида ҳолларда махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга ошириш-

да гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак бўлган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органига бу операциялар бўйича улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай белгиланган тартибда ахборот тақдим этиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади;

ички назорат тартиб-таомилини жорий этиш ва амалга ошириш»;

8) **18-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди»;

9) **19-модданинг иккинчи қисмидаги «мажбурий»** деган сўз чиқариб ташлансин;

10) **21-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни сақлаш

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун хужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт»;

11) **22-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида чет давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш ва чет давлатлар ваколатли органларининг сўровларига жавоб қайтариш ҳуқуқига эга».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги ЎРҚ-94-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 22 апрель
ЎРҚ-212-сон.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТЛАРИГА АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 181-модда)

Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиққан Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Мазкур қарор иловасида кўрсатилган Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа тузилмалар раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари миждознинг биринчи талабига биноан банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағлари берилишини таъминлаш юзасидан қатъий назоратни ўрнатсин.

Аҳолига уларнинг депозит ҳисоб рақамларидан нақд пул маблағлари берилишининг белгиланган тартиби бузилган ҳолатларда, тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда филиаллари раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган қатъий чоралар кўрилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига мувофиқ пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши керак бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхатини қайта кўриб чиқсин ҳамда кенгайтирсин;

Тошкент шаҳри, вилоят ва туман марказлари, вилоятларга қарашли шаҳарлардаги савдо ҳамда тўлов хизматлари соҳаси объектларини босқичма-босқич тўлов терминаллари билан жиҳозлаш жадвалини тасдиқласин.

Белгилансинки, мазкур рўйхатга киритилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

*Илова «Норма маслаҳатчи»да берилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари:

савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларининг мавжудлиги ҳамда улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

савдо ва назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлласин;

савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналар томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш масалалари бўйича тезкор равишда чора кўриш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан биргаликда ҳар бир минтақада миждозларнинг аризаларини, шу жумладан «ишонч телефонлари» орқали мурожаатлари кўриб чиқилишини ҳамда келиб тушадиган мурожаатларнинг зудлик билан текширилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда товарлар ҳамда хизматларни чек бермасдан сотиш, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлиги учун чакана савдо субъектлари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка қатъий кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 6 апрель
ПҚ-1090-сон.

**2009 ЙИЛДА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 182-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек жаҳон нархлари конъюктураси жадал ўзгараётган шароитларда маҳсулотларни таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспорт қилишга рухсатномаларни тезкорлик билан бериш механизмининг яратиш мақсадида:

1. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясига (Ш.М. Мирзиёев) мазкур қарор билан белгиланган тартибда, 2009 йилда республика корхоналарига ўзлари ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилинадиган товарларга жаҳон нархларининг амалда юзага келган конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда, таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда эркин айирбошланадиган валютага экспорт қилиш учун рухсатномалар бериш ҳуқуқи берилсин.

2. Экспорт қилинадиган товарларга жаҳон нархларининг амалда юзага келган конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда товарларни таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспорт қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2009 йилда ўзи ишлаб чиқарган товарларни

муस्ताқил равишда ёки вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг ташқи савдо компаниялари (бирлашмалари), шунингдек «Ўзинтеримпекс» ДАТК, «Ўзмарказимпекс» ДАТК, «Ўзсаноатмашимпекс» ДАК, «Марказсаноатэкспорт» ДАТК орқали таннархидан пастроқ нархда эркин айирбошланадиган валютага экспорт қиладиган корхоналар учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинадиган тушум экспорт қилинадиган товарларни сотишнинг амалдаги нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар 2009 йилда товарларни таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспортга сотишнинг, шунингдек олинган тушумни солиққа тортишнинг ушбу қарор билан тасдиқланган тартибига қатъий риоя қилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель
ПҚ-1092-сон.

*Иловалар рус тилида бериллади.

**ВРЕМЕННОЕ ПОЛОЖЕНИЕ
О ПОРЯДКЕ ВЫДАЧИ РАЗРЕШЕНИЙ НА ЭКСПОРТ В 2009 ГОДУ
ТОВАРОВ ПО ЦЕНАМ, РАВНЫМ ИЛИ НИЖЕ СЕБЕСТОИМОСТИ, С УЧЕТОМ ФАКТИЧЕСКИ
СКЛАДЫВАЮЩЕЙСЯ КОНЪЮНКТУРЫ МИРОВЫХ ЦЕН НА ЭКСПОРТНЫЕ ТОВАРЫ**

1. Настоящее Положение разработано во исполнение пункта 1.3 Программы мер по поддержке предприятий базовых отраслей реального сектора экономики, обеспечению их стабильной работы и увеличению экспортного потенциала, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2008 года № УП-4058 и определяет механизм выдачи предприятиям республики разрешений на экспорт в 2009 году товаров собственного производства за свободно конвертируемую валюту по ценам, которые с учетом фактически складывающейся конъюнктуры мировых цен, равны или ниже себестоимости экспортируемой продукции (далее — разрешение).

2. Органом, ответственным за выдачу разрешений, является Республиканская комиссия по реализации экономически несостоятельных предприятий коммерческим банкам, созданная Указом Президента Республики Узбекистан от 18 ноября 2008 года № УП-4053 «О мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости предприятий реального сектора экономики» (далее — Комиссия).

3. Уполномоченными органами по выдаче обоснованных заключений о целесообразности удовлетворения обращений экспортеров о выдаче разрешений являются Министерство экономики, Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли, Министерство финансов Республики Узбекистан.

4. Для получения разрешения предприятие-экспортер, вне зависимости от формы собственности, представляет одновременно в Министерство экономики, Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли, Министерство финансов Республики Узбекистан (далее — уполномоченные органы) следующие документы:

письмо с обоснованием складывающейся конъюнктуры мировых цен на внешних рынках сбыта и целесообразности реализации на экспорт определенного объема продукции по ценам, равным или ниже себестоимости;

контракт на поставку экспортной продукции;

фактические расчеты по калькулированию себестоимости экспортируемого товара, определенные в соответствии с Положением о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов, утвержденным постановлением Кабинета Министров от 5 февраля 1999 года № 54.

5. Ответственность за достоверность и обоснованность представляемых расчетов, первичных документов и других материалов возлагается на руководителя и главного бухгалтера предприятия-экспортера.

6. Рассмотрение обращения и выдача разрешения на экспорт в 2009 году товаров по ценам равным или ниже себестоимости, с учетом фактически складывающейся конъюнктуры мировых цен на экспортные товары, осуществляется в соответствии со Схемой, согласно приложению к настоящему Временному положению.

7. Обращение предприятия-экспортера одновременно рассматривается в двухдневный срок:

Министерством экономики Республики Узбекистан — в части оценки общей экономической целесообразности реализации на экспорт продукции по предлагаемым ценам, исходя из потребностей внутреннего рынка;

Министерством внешних экономических связей, инвести-

ций и торговли Республики Узбекистан — на предмет соответствия предлагаемой цены экспортируемого товара фактически складывающейся конъюнктуре мирового рынка;

Министерством финансов Республики Узбекистан — в части анализа статей затрат калькуляции себестоимости экспортируемой продукции.

8. Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли и Министерство финансов Республики Узбекистан в течение двух рабочих дней со дня поступления обращения предприятия-экспортера с необходимыми документами рассматривают указанные документы и направляют обоснованные заключения с четкой позицией о целесообразности удовлетворения обращения экспортера о выдаче разрешения (далее — заключения) в Министерство экономики Республики Узбекистан.

9. Министерство экономики Республики Узбекистан в случае наличия единого мнения у всех уполномоченных органов в срок одного рабочего дня со дня получения заключений других уполномоченных органов и с учетом собственного заключения подготавливает проект протокола заседания Комиссии по рассмотрению обращения предприятия-экспортера и представляет его вместе с заключениями в Комиссию.

10. При наличии разногласий у уполномоченных органов относительно целесообразности выдачи разрешения руководитель Министерства экономики Республики Узбекистан в срок одного рабочего дня со дня получения заключений других уполномоченных органов обеспечивает проведение согласительного совещания с участием руководителей этих уполномоченных органов.

11. В случае принятия согласованного решения Министерство экономики Республики Узбекистан в срок двух рабочих дней со дня получения заключений других уполномоченных органов подготавливает проект протокола заседания Комиссии по рассмотрению обращения предприятия-экспортера и представляет его вместе с заключениями в Комиссию.

В случае, если согласованное решение не выработано, Министерство экономики Республики Узбекистан в течение двух рабочих дней со дня получения заключений других уполномоченных органов представляет необходимые материалы, включая протокол согласительного совещания с перечнем разногласий и обоснованием позиций сторон в Комиссию, которая в установленном порядке принимает окончательное решение.

12. На заседаниях Комиссии рассматриваются заключения уполномоченных органов по поступившим обращениям предприятий-экспортеров. По результатам рассмотрения Комиссия принимает решение о целесообразности или нецелесообразности экспорта товаров по объемам, срокам и ценам, равным или ниже себестоимости, с учетом фактически складывающейся конъюнктуры мировых цен на экспортные товары.

Комиссия принимает решение о выдаче или об отказе в выдаче разрешения в срок пяти рабочих дней со дня представления Министерством экономики Республики Узбекистан Комиссии документов и материалов предприятий-экспортеров и заключений уполномоченных органов.

13. Лица, виновные в нарушении требований, установленных настоящим Положением, несут ответственность в соответствии с законодательством.

ПРИЛОЖЕНИЕ
к Временному положению о порядке выдачи разрешений на экспорт в 2009 году товаров по ценам, равным или ниже себестоимости, с учетом фактически складывающейся конъюнктуры мировых цен на экспортные товары

**СХЕМА
РАССМОТРЕНИЕ ОБРАЩЕНИЯ И ВЫДАЧИ РАЗРЕШЕНИЯ
НА ЭКСПОРТ В 2009 ГОДУ ТОВАРОВ ПО ЦЕНАМ РАВНЫМ ИЛИ НИЖЕ СЕБЕСТОИМОСТИ, С УЧЕТОМ
ФАКТИЧЕСКИ СКЛАДЫВАЮЩЕЙСЯ КОНЪЮНКТУРЫ МИРОВЫХ ЦЕН НА ЭКСПОРТНЫЕ ТОВАРЫ**

Этапы	Субъекты	Мероприятия	Сроки
1	Предприятия-экспортеры	Письмо с обоснованием складывающейся конъюнктуры цен на внешних рынках сбыта и целесообразности реализации на экспорт определенного объема продукции по ценам, равным или ниже себестоимости, с приложением необходимых документов (по перечню) представляется одновременно в Министерство экономики, Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли, Министерство финансов Республики Узбекистан (далее — уполномоченные органы).	По мере необходимости
2	Уполномоченные органы	Рассматривается обращение предприятия-экспортера и заключения Министерства внешних экономических связей, инвестиций и торговли и Министерства финансов представляются в Министерство экономики.	2 дня со дня поступления обращения предприятия-экспортера
3	Министерство экономики	В случае наличия единого мнения у всех уполномоченных органов (с учетом собственного заключения) подготавливает проект протокола заседания Комиссии по рассмотрению обращения предприятия-экспортера и представляет его вместе с заключениями в Комиссию.	1 день со дня получения заключений других уполномоченных органов

Этапы	Субъекты	Мероприятия	Срок
3	Министерство экономики	При наличии разногласий у уполномоченных органов относительно целесообразности выдачи разрешения руководитель Министерства экономики обеспечивает проведение согласительного совещания с участием руководителей других уполномоченных органов. В случае принятия согласованного решения Министерство экономики подготавливает проект протокола заседания Комиссии по рассмотрению обращения предприятия-экспортера и представляет его вместе с заключениями в Комиссию. В случае, если согласованное решение не выработано, Министерство экономики представляет необходимые материалы, включая протокол согласительного совещания с перечнем разногласий и обоснованием позиций сторон в Комиссию, которая в установленном порядке принимает окончательное решение.	1 день со дня получения заключений других уполномоченных органов 2 дня со дня получения заключений других уполномоченных органов
4	Комиссия	Рассматривает заключения уполномоченных органов по поступившим обращениям предприятий-экспортеров. По результатам рассмотрения Комиссия принимает решение о целесообразности или нецелесообразности экспорта товаров.	5 дней со дня предоставления Министерством экономики необходимых материалов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 186-модда)

Давлат мулкани ижарага беришни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхоналари шаклида давлат мулкани ижарага бериш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар деб аталади) ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, қуйидагилар ташкил этилаётган марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат мулкани ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилаётган давлат мулкани ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкани ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини республика ва вилоят даврий нашрларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида ҳар чоракда эълон қилиш.

3. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабр гача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади;

марказларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган ижара тўлови маблағларининг 50 фоизи тегишли бюджет даромадига йўналтирилади, қолган қисми эса давлат мулкани балансида сақловчи ва марказ ўртасида тақсимланади.

Марказлар таъминоти учун ажратмалар миқдори амалдаги харажатлардан ва ижара тўлови маблағлари тушуми прогнозидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Бунда ажратмалар миқдори ижара тўлови суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

4. Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси 2009 йил 1 июн гача давлат мулкани ижарага бериш юзасидан илгари тузилган, шу жумладан давлат мулкани балансида сақловчи билан тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва белгиланган тартибда шартномаларни қайта расмийлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Белгилансинки, давлат мулкани балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотлар марказларга ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат мулканинг асосий турлари бўйича намунавий ижара шартномаларини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда марказларнинг намунавий уставларини, уларнинг намунавий тузилмасини ва ходимларининг чекланган сонини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда марказлар давлат рўйхатидан ўтказилишини, жойлаштирилишини ва улар малакали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида бир ой муддатда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель
102-сон.

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат мулкни ижарага бериш тартибини белгилайди.

Чет элдаги давлат мулкни ижарага бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган шартлар ва тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг амал қилиши турар жойлар, ер участкалари, ер ости бойликлари участкалари, театр-томоша корхоналарининг мол-мулкни ижарага беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижарага берувчи — Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Давлат мулкни ижарага бериш марказлари;

балансда сақловчи — ижарага берилаётган давлат мулкни унинг балансида ҳисобга олинган юридик шахс;

ижарага олувчи — ушбу Низомда белгиланган шартларда ва тартибда давлат мулкни бўйича ижара шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс.

3. Ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган корхоналар, бинолар, иншоотлар ёки уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулкни ва бошқа мол-мулк ижарага берилиши мумкин.

4. Давлат мулкни уларга нисбатан ижарага берувчида: илгари тузилган давлат мулкни ижараси шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги;

уларнинг муомалага лаёқатсизлиги ёки муомала лаёқати чекланганлиги (жисмоний шахсларга нисбатан) тўғрисида ишончли маълумот мавжуд бўлган шахсларга ижарага берилмайди.

5. Агар ижарага бериш натижасида балансда сақловчининг ишлаб чиқариш ва/ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашса ва/ёки бюджетдан молиялаштиришнинг назарда тутилган лимитларидан ортиқ бўлса, давлат мулкни ижарага берилиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юқори турувчи ташкилот ёки муассис (мавжуд бўлганда) билан келишган ҳолда балансда сақловчи томонидан ҳужжатлар билан асосланиши керак.

6. Ижарага берилган давлат мулкни (унинг бир қисми), шунингдек давлат мулкни (унинг бир қисмини) ижарага олиш бўйича ижарага олувчининг ҳуқуқи ўзгага берилиши, гаровга қўйилиши ёки бошқача тарзда ижарага олувчи томонидан учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас. Ижарага олувчи ижарага олинган давлат мулкни учинчи шахсларга, шу жумладан субижара шартларида беришга ҳақли эмас.

Ижарага олувчи мол-мулкни соз ҳолатда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплаши шарт.

7. Давлат мулкни ижарасининг энг кўп муддати беш йилни ташкил этади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

8. Давлат мулкни ижарага бериш жараёни ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда ташаббус кўрсатувчи) ташаббуси асосида бошланиши мумкин.

Ушбу мақсадларда ташаббус кўрсатувчи давлат мулкни жойлашган жойдаги ижарага берувчига:

давлат мулкни тавсифини ва у жойлашган жойни;
балансда сақловчини (бундай маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатган ҳолда тегишли таклифни тақдим этади.

Таклиф кўриб чиқилиши ва таклиф олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ташаббус кўрсатувчига асосланган жавоб юборилиши шарт.

II. ИЖАРА ТЎЛОВИНИ АНИҚЛАШ

9. Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш куйидаги тарзда аниқланади:

$T_c = \Sigma_c \times K_x \times (K_1 + K_2 + K_3)$, бунда:
 T_c — бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Σ_c — бир йилга бир кв. метр учун энг кам ставка;

K_1 — ҳудудий зоналар коэффициентини;

K_2 — қурилиш тури бўйича коэффициент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ярим ертўла, ертўла);

K_3 — туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти;

K_0 — тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар).

10. Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови ставкаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси тақдим этган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкалари ҳисоб-китоби асосида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган энг кам ставкалардан кам бўлиши мумкин эмас.

Мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкаси:

агар ижарага топширилаётган мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатга тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлмаса — мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан;

агар ижарага топширилаётган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса — мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Самарали фойдаланиш муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида кўрсатилган таснифлашдан келиб чиқиб белгиланади.

III. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ

11. Ижарага берувчи давлат мулкни ижарага бериш мақсадида:

ижарага берилаётган давлат мулкни хатловдан ўтказиши;

ижарага берилаётган давлат мулкни юклатилган мажбуриятларни аниқлайди ва улар ҳақида маълумот тайёрлайди;

ижарага берилаётган давлат мулкни рўйхатини тузади;

ижара шартномаси лойиҳасини, давлат мулкни ижарага бериш шартларини, ижара объекти, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа зарур ахборотни тайёрлайди;

ижарага берилаётган давлат мулкни рўйхатини эълон қилади;

давлат мулкни ижарасига буюртманомаларни қабул қилади ва уларнинг рўйхатдан ўтказилишини, махфийлигини ва сақланишини таъминлайди;

потенциал ижарага олувчиларнинг (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) талаби бўйича уларга ижарага берилаётган мол-мулк, унинг тавсифлари билан танишиш имкониятини беради;

ижарага берилаётган мол-мулкни тегишли хизматлар билан таъминлаш бўйича битим лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда уни балансда сақловчи ҳамда коммунал хизматлар ва фойдаланиш хизматлари кўрсатувчилар билан келишади (зарурият бўлса);

қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

12. Ижарага берувчи ҳар чорақда фойдаланилмаётган давлат мулкни ижарага берилиши тўғрисида (ижарага берилаётган давлат мулкни рўйхати) республика ва вилоят даврий нашрларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида эълон беради.

Эълонда куйидаги маълумотлар берилади:
ижарага берувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа телефони ва факси, электрон почта манзили;

ижарага берилаётган давлат мулкни номи, миқдори, тавсифи ва таркиби, у жойлашган жой, балансда сақловчининг номи;

ижара муддати;
давлат мулкни ижарага бериш шартлари, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари;

ижарага берувчининг хоҳишига кўра бошқа маълумотлар.
Келиб тушаётган буюртманомалар ижарага берувчи то-

монидан махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади, ҳар бир буюртманомага у берилган сана, вақт кўрсатилган ҳолда тартиб рақами берилади.

13. Тушган буюртманомалар ижарага берувчи томонидан бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

14. Талабгорларнинг буюртманомаларини кўриб чиқиш балансида сақловчи ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари вакиллари иштирокида ижарага берувчи ҳузурида ташкил этиладиган Комиссия томонидан кўриб чиқилади, кўриб чиқиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Комиссия иши регламенти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

15. Икки ва ундан ортиқ талабгорлардан таклифлар тушган тақдирда ижара шартномаси ижаранинг белгиланган шартларига риоя қилинган ҳолда ижарага берилаётган давлат мулки учун ижара тўловининг энг кўп миқдорини таклиф этган талабгор билан тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари тенг бўлган тақдирда ижара шартномаси бошқалардан олдин буюртманома берган талабгор билан тузилади.

Ўз мажбуриятларини зарур тарзда бажарган ижарага олувчи бошқа шартлар тенг бўлган тақдирда янги муддатга ижара шартномасини тузишда бошқа талабгорлар олдида устунлик ҳуқуқига эга бўлади, транспорт воситалари ижараси бундан мустасно.

Фақат бир нафар талабгордан буюртманома тушган тақдирда ижара шартномаси унинг таклифлари тегишли эълонда кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган тақдирда у билан тузилади.

IV. ДАВЛАТ МУЛКИНИНГ ИЖАРА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ

16. Буюртманомаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги имзоланган баённома асосида тегишли давлат мулкининг ижара шартномаси тузилади.

17. Ижара шартномаси ижарага берувчи, ижарага олувчи ва балансида сақловчи ўртасида тузилади. Ижара шартномасини буюртманомаларни кўриб чиқиш баённомасида кўрсатилган муддат мобайнида, лекин кўпи билан беш кун муддатда барча томонлар имзолаши керак.

18. Ижара шартномасида куйидагилар кўрсатилади: ижарага берилаётган давлат мулкининг таркиби ва қиймати;

ижара муддати;
ижара тўловининг ставкаси ва умумий миқдори, уни тўлаш шартлари ва муддатлари;

ижара тўлови миқдорларини қайта кўриб чиқиш муддатлари ва шартлари;

давлат мулкининг ҳолати ва ижарага берувчи уни ижарага олувчига бериши керак бўлган муддат;

ижарага олувчи томонидан давлат мулкидан фойдаланиш, шу жумладан коммунал тўловларни ва бошқа фойдаланиш тўловларини тўлаш шартлари;

шартнома тўхтатилгандан кейин давлат мулкини қайтариш ҳолати ва тартиби;

ижарага олинган давлат мулкини тиклаш ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлар;

ахборотлар ҳажми ва уларни ижарага берувчига тақдим этиш муддатлари;

ижара шартномасини, шу жумладан ижара тўловларини тўлаш муддатларининг бузилиши муносабати билан бекор қилиш шартлари;

томонларнинг жавобгарлиги;
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

19. Транспорт воситасини ижарага беришда ижарага олувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишни, шунингдек транспорт воситасини суғурта қилишни амалга оширади.

20. Ижара шартномасини бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

21. Давлат мулкининг ижара шартномаси: кўчмас мулк бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилганда, давлат рўйхатидан ўтказилиши;

давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган транспорт воситалари ижарага берилганда, нотариал тасдиқланиши; корхоналар ижарага берилганда — нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

V. ДАВЛАТ МУЛКИ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

22. Ижара тўлови бўйича ҳисоб-китоблар куйидагиларни

ўз ичига олади:

ижара тўлови;

коммунал ва фойдаланиш тўловлари (мавжуд бўлганда).

23. Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охириги белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чорақда, ҳар ойда ва шу каби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. Тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорақ, ой ва шу кабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.

Ижарага олувчи ижарага берилган давлат мулкини тиклаш ёки мукаммал таъмирлашни амалга оширган тақдирда унинг қилган харажатлари, ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли хизматлари экспертизаси натижалари тақдим этилган тақдирда, ижара тўлови суммасини камайтириш ҳисобига қопланади.

Ижара тўлови бўйича ижарага берувчиларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган барча маблағлар бир иш куни мобайнида тақсимланади, шу жумладан ижарага берувчиларнинг транзит ҳисоб рақамларига ижара тўловидан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи тегишли бюджет даромадига йўналтирилади, қолган қисми эса балансида сақловчи ва ижарага берувчи ўртасида тақсимланади.

Ижарага берувчилар таъминоти учун ажратмалар миқдори, амалдаги харажатлардан ва ижара тўлови маблағлари тушуми прогнозидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Бунда ажратмалар миқдори ижара тўлови суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Ижарага берувчи маблағларни тегишли бюджет, ижарага берувчи ва балансида сақловчи ўртасида ҳар қайси ижара шартномаси бўйича алоҳида, ижарага берувчи томонидан хизмат кўрсатувчи банкда очиладиган транзит ҳисоб рақамидан тақсимлайди.

Ижара тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

24. Коммунал ва фойдаланиш хизматлари бўйича тўловларни тўлаш миқдори, тартиби ва муддатлари ижара шартномаси билан бир вақтда тузиладиган балансида сақловчи ва ижарага олувчи ўртасидаги битим билан (битим шартлари ижара шартномасига киритилиши мумкин), коммунал ва фойдаланиш хизматларини кўрсатувчилар томонидан белгиланган тарифларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади. Электр энергияси, сув ва газни ҳисобга олиш учун зарур ҳисоблаш приборларини ўрнатиш шартнома шартларига мувофиқ балансида сақловчи ёки ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

Ижарага берувчи коммунал ва фойдаланиш хизматлари кўрсатиш юзасидан тузилган битимларга мувофиқ ижарага олувчи томонидан унга кўрсатилган хизматлар ҳақининг ўз вақтида тўланишини назорат қилади.

VI. ДАВЛАТ МУЛКИНИ БЕРИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

25. Тузилган ижара шартномаси шартларига мувофиқ балансида сақловчи ижарага берувчи иштирокида давлат мулкини шартнома шартларига ва давлат мулкининг мўлжалланган мақсадига мувофиқ ҳолатда ижарага олувчига бериши, ижарага олувчи эса ижара муддати тугагач балансида сақловчига қайтариши шарт.

26. Давлат мулки унга тегишли бўлган барча буюмлар ва унга тааллуқли бўлган техник ҳужжатлар билан бирга ижарага олувчига берилади ва унинг томонидан қайтарилади.

27. Давлат мулкини бериш ва қайтариш уч томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда, томонларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади, далолатномада куйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган жой ва сана;
ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами);

давлат мулкининг техник ҳолати.
Бериш далолатномаси томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

28. Ижарага олинган давлат мулкида камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) мулкни қабул қилиб олувчи томонлар бошқа томон давлат мулкини шартномада белгиланган муддатларда ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача уни қабул қилиб олишни ва давлат мулкини топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

VII. ИЖАРАГА БЕРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ МУЛКИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, УНИНГ ҲИСОБОТИ ВА УНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

29. Ижарага берилган давлат мулкни ҳисобга олиш ва ахборот маълумотлари базасини юритиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

30. Ижарага берилган давлат мулки реестри ижарага берувчи томонидан шакллантирилади ва мулк тўғрисидаги маълумот мувофиқ ҳар чоракда янгиланган бўлади (ижарага берилган, ижара муддати туганган ва шу кабилар).

Реестрни шакллантириш учун ахборот балансида сақловчи томонидан ҳар чоракда тақдим этиб борилади.

31. Ижарага берилган давлат мулкни ҳисобга олиш мақсадида ижарага берувчи ижара шартномаси тузилгандан кейин бир иш куни мобайнида реестрга тегишли ёзувни киритади, ижара шартномаси асл нусхасининг ҳар биттасига ҳисобга олингани тўғрисида белги қўяди, ҳисобга олиш ёзуви киритилган санани ва тартиб рақамини кўрсатади, уни муҳр билан тасдиқлайди. Уч нусхада расмийлаштирилган ижара шартномасининг асл нусхалари бир нусхадан баланс сақловчига, ижарага олувчига берилди ва бир нусхаси ижарага берувчига қолади.

32. Ижарага берувчи ижара шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ижарага олувчи томонидан зиммасига олинган мажбуриятларнинг ижара шартномасига мувофиқ зарур даражада бажарилишини мунтазам назорат қилиб боради. Ушбу мақсадларда ижарага берувчи қуйидагиларга ҳақлидир:

ижарага олувчидан ижара шартномасида назарда тутилган ҳажмларда ахборот сўраш;

зарурат бўлганда, мулкнинг физик ҳолатини ижарага олувчининг хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда кўздан кечириш;

ижарага олинган мулкдан фойдаланиш шартларини, ижарага олувчи томонидан учинчи шахслар ҳуқуқларига риоя

қилинишини ўрганиш (сервитут, гаров ва шу кабилар);

ижарага олувчининг ижарага олинган давлат мулкни яхшилашни амалга ошириш тўғрисидаги муурожаатини кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

33. Ижарага берувчи ижарага берилган давлат мулкни тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 кунигача тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ҳокимликларининг молия бошқармаларига ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бошқармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасига маълумот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ижарага берилган давлат мулкни бўйича йўғма ахборотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача тақдим этади.

Ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

34. Давлат мулкни ижарага беришнинг ушбу Низомда кўрсатилмаган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ белгиланади.

35. Давлат мулкни ижарага бериш шартномасини расмийлаштириш ва тузишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан ижарага берувчи шахсан жавоб беради.

36. Ижара шартномасига мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларни томонлар бажармаган тақдирда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

37. Давлат мулкни ижарага бериш муносабати билан пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

ҚЎШИМЧА ИНВЕСТИЦИЯЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ҲИСОБИГА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ УСТАВ ФОНДЛАРИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 15-сон, 196-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) 63-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 2001 йил 10 августда 01/06-16-сон билан тасдиқланган «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғриси-

да»ги низомга (2001 йил 10 август, рўйхат рақами 1061) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси
Д.МУСАЕВ.**

*Тошкент ш.,
2009 йил 20 март
01/23-18/03-сон.*

***2009 йил 20 апрелдан кучга киради.**

*ЎзР ДМҚнинг 2009 йил 20 мартдаги 01/23-18/03-сон қарорига
ИЛОВА*

ҚЎШИМЧА ИНВЕСТИЦИЯЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ҲИСОБИГА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ УСТАВ ФОНДЛАРИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «жамият аудитори» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 17-банднинг:

«турдаги» ва «турининг» сўзлари тегишинча «шаклдаги» ва «шаклининг» сўзлари билан алмаштирилсин;


қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамиятнинг қўшимча акциялари учун ҳақ ушбу акциялар-

ни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати давомида тўланиши керак».

3. 22-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22. Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки амалга оширилмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб тан олиш тартиби қонунчилик билан белгиланади».



top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 20 (201) 2009 йил 11 май



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

«ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ»

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

«top. Товарлар
ва хизматлар бизнес
панорамаси» рукни
«Premier-press» реклама агентлиги
томонидан тайёрланди.
Тел.: 237-51-33,
237-47-20, 237-47-05.

Бўлғуси такдимот маросимлари,
кўргазмалар,
матбуот анжуманлари ҳақидаги
матбуот-релизларни,
хабарнома-таклифномаларни
«Норма маслаҳатчи» тахририятининг
реклама хизматига
237-51-33 телефон-факси орқали
жўнатишингиз мумкин.

КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КўРА...
ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР,
ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР
МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР
МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ,
МДФ ЭШИКЛАР



буюртмага тайёрлаш

Т.: 746-80-72
127-80-72

«BEHZOD YUM» ХК

2000 дан
ортиқ номдаги
товарлар

Улғуржи ва
чакана савдо

Канцелярия
ва хўжалик
товарлари



Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

H1761-3

Polygal (Полигаль)
Исроилда ишлаб чиқарилган
Тошкентдаги омбордан
соябонлар, офис учун тўсиқлар,
иссиқхоналар, мансардалар,
бекатлар ва бошқа
конструкцияларни тайёрлаш
учун поликарбонат плиталар.
Тайёр дизайнлик
ечимлари.

Товар сертификатланган

Тел.: 298-24-34, 277-60-82, 431-24-88, 768-82-24, 448-13-43

Товар сертификатланган

офис мебели
ошхоналар буюртмага
купе шкафлар
ётоқхоналар
болалар учун
савдо усқунаси

импорт
юмшоқ мебеллар

474 33 60 ☎ 267 58 93

H1365

VERONA
www.interfor.uz

ТАШКИЛОТ

Сертификатлар ва лицензия мавжуд
ТУЙИЛГАН ТАЛКОМАГНЕЗИТ (ГОСТ 21235-75)
МИКРОТАЛЪК (ГОСТ 19284-79). ТУЙИЛГАН ТАЛЪК (ГОСТ 13145-67)

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- кабель ва лок-бўёқ заводлари учун
- шпатлёвка ва мастика ишлаб чиқариш учун
- резина ва шина таъмирлаш заводлари учун
- асфальт-бетон ишлаб чиқариш учун
- грифель қаламлари ишлаб чиқариш учун
- глазурь ва эмаль ишлаб чиқариш учун
- том ёпиш ва гидроизоляция материаллари ишлаб чиқариш учун
- пеностил ва полистирол ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун
- пластмасса ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун

Тел.: +(99871) 245 09 34, +(99890) 909 66 77, +(99890) 986 06 09. E-mail: beruniy-talk@mail.ru

«ВЕНЕТЕК-ИМПРЕКС» МЧЖ

H1344
ШИП ВА ДЕВОР УЧУН
эни – 20-25 см, бўйи – 5,95 м

СОТАДИ ПЛАСТИК

3 хил рангдаги пластик
эни 15 см дан 35 см гача, бўйи 5,95 м

ДЕРАЗА ТОКЧАЛАРИ

Тўлов – пул ўтказиш йули билан

Тел./факс: 233-85-25, 236-21-97

ТАКЛИФНОМА ҚОҒОЗИНГИЗ

13-нчи Халқаро
КўРГАЗМА ВА АНЖУМАН

НЕФТЬ ва ГАЗ

12-14 май 2009

ЎзэкспоМарказ
Тошкент, Ўзбекистон

Бу шаклни БОСМА ХАРФЛАР БИЛАН ТўЛДИРИШИНГИЗНИ СўРАЙМИЗ = Кўргазмага келганингизда ташриф қарточкангизни ўзингиз билан олиб келинг!

ФИО / Ism-sharifingiz _____
 Организация / Korxonona _____ Должность / Lavozimingiz _____
 Адрес / Manzil _____ Тел. / Tel. _____
 Город / Shahar _____ Страна / Davlat _____



Ташкилотчи:



Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20
Тел.: + (998 71) 113 01 80, факс: + (998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
Web: www.ite-uzbekistan.ru


Расмий очилиш маросими
2009 йил 12 май соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:
12 май 11.30 - 17.00 13 май 10.00 - 17.00
14 май 10.00 - 16.00



УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz



"TOSOL-N" МЧЖ

АНТИФРИЗ ИШЛАБ ЧИКАРАДИ

Ички ёниш двигателлари учун
СОВУТУВЧИ СУЮКЛИК

СС МАРКАЛАРИ

"TOSOL-A30, A40, A65, TOSOL-AM концентрат" Ушбу махсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек ASTM D 3306-79 антифризи (АҚШ) аналогига ҳисобланади ва металлга энг кам коррозия таъсири кўрсатади. Товар миқоз хохишига қараб 5 кг, 20 кг лик идиш ва 200 литрлик бочкаларга қадоқланади.

ТУЛОВ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ БУЙИЧА

Манзилмиш: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1

Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

Товар сертификатланган



ЭНГ ЯХШИСINI ТОПИ!

TOP

237-51-33

237-47-20

237-47-06

ҚУРИЛИШЛАРДА ЁНГИН
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Азим Тошкентимизда йил сайин қурилишлар кўлами тобора ортиб бормоқда, қуриб битказилаётган бинолар шахримиз кўрқига кўрк қўшмоқда. Айниқса Шайхонтоҳур туманида қад ростлаётган бинолар ўзининг бетакрорлиги, гўзаллиги билан киши кўзини қувонтиради.

Қурилатган масканларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида Шайхонтоҳур туман Ёнгин хавфсизлиги бўлими томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Лекин пойтахтимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилсак, уларнинг маълум қисми қурилиш объектларида юз бераётганини эътироф этмасдан илож йўқ. Асосан қурилиш вагонларида электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланилиши «учқуннинг гулханга айланишига» сабаб бўлаётир.

Ана шундай кўнгилсизликлар олдини олиш мақсадида Шайхонтоҳур туман Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларини эслатиб ўтишни лозим топди:

- қурилиш уйчаларида электр иситиш асбобларидан фойдаланиш, газ баллонлар ва энгил ёнувчи моддаларни сақлаш тақиқланади;
- қурилиш уйчалари жойлашган ҳудуд бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши керак;
- ёнгин чиққанда дарҳол 01 рақами орқали ёнгин хавфсизлик хизматига кўнғироқ қилиб, уни ўчиришнинг барча чораларини тезкор равишда кўриш лозим.

Нурулло ҲАЙДАРОВ,
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ инспектори,
катта лейтенант.






"ИЖ АВТО" РАСМИЙ ДИЛЕРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ


**КАФОЛАТ 1 ЙИЛ
(20 000 км)**

Тўлов исталган шаклда



ИЖ - 27175

Буюртмага



Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек кўч., 54А Т. 140-00-61/62, 110-41-43 (9.00 дан 18.00 гача)



Товар сертификатланган

ALTIMA

Nissan Altima. Автомобилнинг юқори сифати, замонавий дизайни ва функционал имкониятлари жаҳон бозорида эътироф этилган. Такомиллаштирилган "Ниссан Алтима" салонга ички безак берилиши ва функционал жиҳозланиши билан ажралиб туради.

Нархи 24 500\$ дан бошлаб* кафолат 1 йил ёки 20 000 км юриш + COVFA

Premium Auto ☎ **295 88 77**

*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олмасдан кўрсатилган

Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибуторидан махсус таклиф

SHIFT_the way you move



Das Auto

Ташкилот бутун модель қаторини сотади

Тўлов – исталган шаклда

Омборда мавжуд

Товар сертификатланган

☎ (+99890) 317-67-97, 320-50-00, (+99871) 140-00-61



OPEL

БУТУН МОДЕЛЬ ҚАТОРИ

Товар сертификатланган

"SANAR" ХК "Adam Opel AG" компанияси расмий дилери

Манзил: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А,
"Chevrolet" автосалони (мўлжал - "Буюк ипак йўли" метроси)
Тел.: (998 71) 140-00-61, 140-00-62. Уяли (998 90) 325-88-87, 178-75-77
e-mail: opel@sanar.uz

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 15 апрелдаги 10-0914/2556-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманида рўйхатдан ўтган "Юнусобод Қурилиш Монтаж" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди. Кредиторларнинг 2-йиғилиши 2009 йил 20 май соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биносида ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 7а-хонада қабул қилинади.

Тел. 235-72-41.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 29 апрелдаги 11-0927/5509-сонли ажримига асосан "Saratov Biznes Servis" МЧЖ ҳамда 11-0927/5510-сонли ажримига асосан "Olimpik Sintez" ХК соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш учун қабул қилинганлиги муносабати билан кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 12 май куни соат 11.30 да ва суд мажлиси 2009 йил 13 май соат 11.00 да Тошкент вилояти хўжалик суди биносида ўтказилади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз муурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Зангиота тумани, Эшонгузар Қ.Ф.Й., Охунбобоев кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси. Тел. 270-70-31.

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**

www.restoran.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келмавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Таҳририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Толимаржон (Фетисов) кўч., 1/1).
Буюртма 99 Алади 6000. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2009 йил 8 майда соат 17.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223